

Мўминжон ХЎЖАЕВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси,
фалсафа доктори (PhD)

ЗАКИ ВАЛИДИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ИСЛОМ ДИНИГА ИЛМИЙ МУНОСАБАТ

Файласуф, жадидчи олим Аҳмад Заки Валидийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганар эканмиз олимнинг тарих, фалсафа Ислом илмига ниҳоятда улкан мерос қолдирганлигини гувоҳи бўламиз.

Аҳмад Заки Валидий асарларини ўқиган олимлар жуда юқори баҳо берадилар булардан бири Абдулҳамид Сулаймон Ўғли Чўлпондир, Чўлпон Заки Валидийнинг асарларини ўқиб унга хат ёзиб Андижонга таклиф қилади. 1913-йилда талаба Назир Тўрақулов билан Чўлпоннинг отасини уйида бўлишганини таъкидлайди Валидий ўз “Хотиралар”ида ёзади. [1]

Хусусан, Валидийнинг бизнинг ўлкамизда яшаб ижод қилган алломалар ижодига оид фикр ва мулоҳазаларини билдириб, Алишер Навоий асарларини ўрганар экан, Алишер Навоий ва қозоқ шоири Абайларнинг фалсафий фикр ва дунёқарашлари олим яшаган муҳит олимларига таъсири борлигини таъкидлайди.

Валидийнинг фикрича китоблар инсонлар ҳаётида аниқ фикр ва хулосаларга келиш учун ва ҳамма вақт замон билан ҳамнафас бўлишлари учун энг яхши восита деб фикр юритади. Шунингдек, бошқирдлар ўз тарихларини билиши учун Волков ва Власовларни асарларини ҳамда “Турмуш” журналида ёзишича (1915 йил 28 апрел) Бошқирдлар шажаралари ҳақидаги маълумотга эга бўлишлари кераклиги ҳақида маълумот беради.[2]

Олим отасини мадрасасида дарс бериб юрган вақтида бир хонани “лаборатория” га айлантирганлигини ёзади. Уйида билан мадраса орасида морзе* ишлатганлигини, мадраса

талабаларига илми ҳайъат яъни астрономиядан дарс берганлигини ва бу дарсларда Фламарёндан ва диний аллома Хусайн ал – Жиср* номли суриялик олимнинг асаридан фойдаланади. Шунингдек, дарсларни Аҳмад ва Саид исмли икки кишининг савол - жавоби шаклида ёзади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки бу ўша даврга хос бўлган бир янги педагогик технология сифатида тушунишимиз мумкин.

Бу борада Валидий маълумотларни Бошқирдистон мадрасалари учун янгилик эканлиги учун талабалар ҳам қизиқишини, шунингдек Валидий ёзган биринчи илмий асар бўлганлигини, лекин отасига маъкул келмаганлигини изоҳлайди чунки отаси ернинг айланишига ишонмасди. Валидий буни исботи учун глобусни каттароғини ясайди ва қуёш атрофида ернинг айланишини кўрсатиш учун талабаларга қоронғу хонада чирок атрофида айлантириб кўрсатади. Ерни думалоқ қилиб яшаш учун елим ўрнида ҳамир ишлатади. Валидий афсус билан ёзадик: “Ёзда мадрасадаги хонамга қўйилган бу глобусни сичқонлар еб, менинг шунча меҳнатим бекор кетди. Отам бундан хурсанд бўлиб “Ернинг айланишига сичқонлар ҳам ишонмайди”, деб қотиб – қотиб қулдилар дейди.[3]

Валидийнинг фалсафий қарашларида Ислом дини ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Олим фикрича, Ислом дини инсоннинг ботиний ва зоҳирий ҳаётини тартибга келтиради.

Ислом динига Валидий фалсафий нуқтаи назардан ёндашар экан, фалсафий жиҳатдан ислом дини мусулмон миллатларининг руҳиятини юксак маънавий қиёфада акс эттиришини изоҳлайди.

Профессор Бегали Қосимов Валидий ҳақида шундай дейди: “Ҳар бир ўзбекнинг қалбида фахр ғурур туйғусини ўйғотиш учун тарихни билиш керак. Жаҳидларимиз шунинг учун тарихни ва миллатни танишга алоҳида эътибор қаратадилар. Бу борада Заки Валидийнинг китобларига катта эътибор бор. Айниқса икки китобини “Умумтурк тарихига кириш” ва “Бугунги турк эли – Туркистон ва унинг яқин тарихини” ни шошилинч таржима қилиш керак.”[4]

Валидий ёзадики: “Наливкин Тошкандда дорилмуъмининда муаллимлик этган вақтда эрли хотунли бу иккови сартлар орасида (Намангон уязи Нанай қишлоғида) узок вақт туриб, уларни ўрганганлар. Сўнгдан яна бир неча йиллар қозоқлар билан бирга саҳройи бўлиб, кўчиб юриб, қозоқча ва қозоқ маъишатини инасиндан ибина (игнасиндан ипигача) қадар ўрганганлар. Бизнинг Россия мамлакатинда энг сўнгги вақтга қадар Шарқни ўрганиш ишлари руҳоний халқлар, поплар, миссионерлар кўлинда келди.”

Россиядаги ўзга тилликлар орасида ҳукумат хриситианлик динини тарқатиш мақсадида миссионерлар тарбиялаганлар. Уларга инородецларнинг тил (рус тилини) ини ўргатди. Булар ўзга тилларни озроқ билиб олгачда бир-икки китоб чиқарганлар, ҳам шунинг билан Европадаги “Шарқшунослар”лар билан бир ўрин олганлар. Улар ҳам ҳукумат ишларинда насиб этишлари эди. Бу ҳол Россияда инородецларни ўрганишнинг бир ёқлама ҳам бир вақт буюк бўлишини ҳам инородецлар билан рус халқи орасида диний душманликларнинг зўр бўлиб турушига сабаб бўлади. [5]

Бу қарашларда Валидий шундай фикрга келадики, шарқшунослар орасида биринчи ўрин олиб, илми борасида улар ҳам ҳукумат ишларида аралашганликларини ва Ғарб ва Шарқ фалсафасидаги бу қарашлар миссионерликни келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилади ва бунда Фарғона аҳолиси ва хотинлари турмуш тарзлари ҳақида маълумот беради.

1. Ерли халқ (махаллий аҳоли)нинг дини тўғрисида.
2. Турмушлари, ҳам уй асбоблари.
3. Хотинларнинг ташқи кўринишлари, ҳам кишилари тўғрисида.
4. Хотинларнинг ишғол эта турган ишлари ҳам иш асбоблари.

5. Ерли (махаллий аҳоли яъни Фарғона тўғрисида) хотинларнинг сажияси (характери), одатлари, муҳаббатга муносабати.

6. Курсокли бўлуви ҳам бола туғдируви.

7. Ёш қиз, уни ёвчилаш (совчилаш), никоҳ, тўй.

8. Кўп хотин олув, талоқ, эрсиз қолув, ҳам хотинларнинг ўлими.

Шунингдек, Туркистон аҳолиси ўз илмий фаолиятларида Қуръони Каримни ва ислом таълимотини оқилона изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Заки Валидий исломнинг тараққийпарвар ғояларини тушунтириш билан таълим, иқтисод, маданият ва умуман, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш зарурлигини тушунтиришга интилган. Қуръони Каримнинг тафсирини жуда яхши билган Валидий ўз мақолаларидан бирида Қуръон оятлари ва ҳадислардан намуналар келтириш билан ислом дини халқни юқори даражада илмга даъват қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, Валидий баъзи дин пешволарини ислом тарихини билмаслиги оқибатида, аксарият ҳолларда, ўнғайсиз вазиятга тушиб қолишини кескин танқид қилади.

Максим Горький бир сафар Валидийни Санкт-Петербургнинг Финляндия йўлидаги Мустамиякда жойлашган ёзги уйига таклиф қилади. Учрашувда Горький рус бўлмаган миллатларнинг ҳуқуқлари ҳақида кўп либерал фикрларни билдиради. Горький айтадики: “Руслар орасида биз тўғримизда эркин фикрли киши сифатида профессор Максим Ковалевскийни билишини ва 1905 йил инқилоби пайтида “Қонун олдида миллат масаласи ва фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги” номли асар ёзганлигини айтади. Профессор Ковалевский Россияда яшовчи барча миллатлар хоҳлаганларича яшашга ҳақли эканликларини, миллий ва диний маданиятларини ўзлари хоҳлаганидек ривожлантиришлари лозимлигини қайд этган, арманларга Бағрат давридаги Буюк Арманистонни тиклаш йўлида озарбайжонликлар билан омонсиз курашга киришиш ва маданий дунёда шовқин-сурон кўтариш ўрнига ўз тил ва динлари асосида миллий маданиятларини ривожлантиришни таклиф этган ва шу йўл орқали Кавказ мусулмонларининг муҳаббатига сазовор бўлганлигини ёзади. Валидий Ковалевский

асарида, инсонларга яшаш, шахс ва жамиятнинг фаровон турмуш кечириши ҳуқуқини бермаган Россия ҳақидаги фикрини авлиё Августиннинг “*Quid sunt regne sine justita, nisi magna latracinia*” яъни, “Адолатсиз ҳумронлик катта йўлтўсарликдан бошқа нарса эмас” дейди.

Валидийнинг тоғасидан араб адабиётини ўргангандан мамнун эканлигини куйидагича изоҳлайди: Туркистонга қилган илк сафарида Замахшарийнинг арабча девонини ва Тафтазоний билан Сайид Шариф Журжонийнинг мунозараларига оид рисолаи келтиришади. Валидий учун булардан ҳам қимматлироқ ва кадрлироқ ҳада бўлмас эди. Чунки, рисолада Амир Темурнинг ўз замонида икки буюк олимни Қуръонда “Бақара” сурасининг “Улайка аъла худан мин Раббихим” ояти устида мунозара қилдиргани ҳақидаги арабча ёзилган асар эди. Бу асарда араб риторикасининг энг нозик масалалари ҳамда фалсафага тўхталганлигида эди. Истарлитамоқдаги суҳбатлар тоғаси билан сўнгги кўришиши бўлади.

Олим Шаҳобиддин Маржонийнинг ўзининг маънавий устози деб билади ва унинг ижодини ўрганар экан ўзида Маржонийдан куйидаги хулосага келади: “Ислом дини, фалсафа ва ҳикматни инкор этмайди. Фанга келсак, уларнинг барчаси хайрлидир” дейди.[6]

Валидий ислом фалсафаси тўғрисида куйидаги таҳлилий фикрни илгари суради, унингча ҳаттоки ҳаётда тарих модда ва нарсани маъзи ва ҳолича баҳс этиб, ёзувда ифода этади. Ёзиш бу тарихдир. Хулоса қилиб ҳадислар тарихига фикр билдиради. Ҳадисларни тарихини бир илмини, масалага моҳиятини, ипак матосини, бугдойи, тутун, ёғочли айвони, масалан, олма ёғочини тошларда, мраммарнинг тарихини дарсларда баҳс этишни таъкидлайди.

Тарихни ислом фалсафаси таҳлили жараёнида турли хил замонларга ва турли жамиятларга мансуб инсонларнинг руҳий жиҳатларини кўринишини қайси тилда ёзилган бўлса ҳам, хато ёзилган бўлса ҳам тушунишга қодирлигимиз ҳақида фикр юритади. Масалан: Шумерларнинг, Ашшурларнинг, Мисрликларнинг китобларини, Хитойлик Конфуцийнинг фикрларини Ҳинд будданинг назариясини Аристотель фалсафасини, арабча Қуръонни бугун тушунишга қодирмиз. Гарчи улар бошқа муҳитда бошқа тилларга ва ўзгача

ҳарфлар ва иборалар билан ёзилган бўлса ҳам биз уни фалсафий таҳлил қила олишимизни таҳлилини келтиради. [7]

Валидий тафсир ҳақида куйидаги фикрни айтиб ўтади: “Тафсирлардан сўнг асл тафсир келади. Ҳодисаларнинг сабаб ва келиб чиқиши билан бири бошқасига боғлиқ эканлигини билдириш асосий мақсаддир. Буни Берхейм “*Auffassung dts Zurummenhanges*”, Ч.Ланглоис ҳам французча қилиб “*Coonception*” тадбири билан ифода этган. Биз ҳам бунга муносабатлар аниқроқ дея оламиз. Бу ерда тарихчига табиий фанлар, тарих фалсафаси билан ижтимоий ёл кўсатади. Бу ерда “ички руҳий омиллар” ва сабаблар орасидаги муносабатлар изоҳланади. Уларнинг ҳар бири алоҳида изоҳланади. Тарих методининг фалсафий жиҳатдан умумий кўринишини тавсиф этади.[8]

Валидий дунёқарашида тарихни ўрганиш фалсафий ёндашув ғояси қандай ва уни ташкил қилган ҳамма нарсанинг моддий ҳаётини ўрганиш, башарият тарихининг ғояси ҳам, башариятнинг моддий ва маънавий ҳаётини ўрганишдир. Ўз ҳаётимизни ва бугунги муҳокамада турли-туман фикрлар ҳам бор. У хилда тарих учун шундай бўлиш зарурият талаб қилади. Шу сабаб билан турли туман тарих фалсафаси юзага келишини исботини “Тарихда усул” номли асарида таснифлаш баробарида Валидий тарих фалсафасини ўрганишни энг қулай ва ишончли баъзи ёлғон тарихий тадқиқларни исботлайди.

Валидий Абу Райҳон Беруний фалсафасини ўрганишда Беруний асарларидаги диний фикрлар келтирилган ҳинд асарлари “Ричвада ва Атарвананада” номли ҳинд китоб ўрганиб Патанжали, Брахмагупта, Арябхата, Вашта, Пулиса, Вараҳамихра каби ҳинд олимларининг асарларидан матнлар таржима қилганлигини, ҳамда ҳинд фалсафаси ва илми ҳақида маълумот берар эканлар, ушбу маълумотларни ислом, юнон ва эрон олимлари билан таққослайди ва ўзининг қарашларини ҳам баён этади. Шу сабабли бугунги кунга келиб, мазкур китоб энг нодир, энг ноёб асар сифатида баҳоланишини, асарнинг мундарижаси диний, фалсафий фикрлар, адабиёт, ботиний эътиқодлар, хронология, астрономия, метерология, қонунлар, урф-одатлар ва ниҳоят астрономиядан иборат эканлигини таъкидлайди.